МАҲАЛЛА – ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 10 сентябрь, №76 (1043)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон Президентининг ШҲТ саммитида иштирокига доир

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2014 йил 11-12 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.**

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш истиқболларини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳамда ўзаро манфаатли бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Кенгаш кўмаги фаолиятда қўл келади

**Маҳалла азалдан тинчлик-тотувлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик ва тарбия маскани бўлиб келган. Бу тузилма кишиларнинг жамият билан уйғун яшашини таъминлайди, ёшларни миллий урф-одат ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялайди.**

**Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

Юртимизда ўзини ўзи бошқаришнинг ушбу ноёб тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қаралади. Зеро, эътиқод ва тафаккуримизни, анъаналаримизни асраб-авайлашда халқ ҳаётининг кўзгуси — маҳалланинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий Кенгашлар фаолияти эндиликда фуқаролар йиғинларининг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти ҳудудий Кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш мақсадида 26 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилиниб, бешта маҳалла гузари янгидан барпо этилди.

> [2]

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ



## Касбий билим ва маҳорат мактаби

**Билим ва малакани ошириб бориш ҳар қандай соҳа ходими учун муҳим вазифа. Зеро, машғулотларда орттирилган тажриба мутахассис фикр доирасини кенгайтириш баробарида билимини ҳам мустаҳкамлайди. Қолаверса, жамиятдаги ўзгариш ва ислоҳотлардан хабардор бўлишида қўл келади.**

**Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»**

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биносида фаолият юритаётган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари айни шу мақсадларга хизмат қилаётир.

Жорий йилнинг сентябрь-декабрь ойлари мобайнида барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, бошқарув маҳоратини ошириш мақсадида навбатдаги ўқув курслари ташкил этилади.

> [2]

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

## Маҳаллийлаштириш дастури: талаб ва таклифлар тараққиётга етаклайди

**Истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда ўсишида маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.**

**А. АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»**

Президентимизнинг 2014 йил 4 февралдаги «2014-2016 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Хусусан, Андижон вилоятидаги 8 та корхонада айни пайтда 19 та маҳаллийлаштириш дастури асосидаги лойиҳа бўйича иш олиб борилялти. Ҳудудий корхоналар томонидан шу йилнинг биринчи ярмида 12,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режалар 109,6 фоизга бажарилди. Импорт ўрнини босиш самараси 5,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.



> [3]

ИФТИХОР

## Меҳнат қадр топган юртда яшамоқ – шараф!

**Истиқлолимизнинг 23 йиллиги унутилмас воқеаларга, ўзгариш ва янгиланишларга бой бўлди. Хусусан, менинг камтарона меҳнатим юксак қадрланиб, муҳтарам Юртбошимизнинг фармонига биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим.**

**Мавжуда ШАРИПОВА, Қизилтепа туманидаги «Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**

Бу мукофот менга улкан масъулият юклайди, маҳалла тизими ривожи йўлидаги саъй-ҳаракатларимга куч-ғайрат бағишлайди.

Ўзбек халқи истиқлол туфайли ўз қадр-қимматини топди, мустабид тузум даврида топталган миллий ғурурини, қадриятларини тиклади. Бугун истиқлолимиз бахтли яшаш, чинакам ҳаёт сururидан баҳраманд бўлишимизда бизга таянч, суянчдир. Улкан имкониятлар мамлакати, бахтлар ўлкаси — Ўзбекистонимиз чиндан ҳам ифтихоримиз, саодатимиздир.

Мустақиллик йилларида энг чекка ҳудудлардаги маҳаллалар, гузарларгача янги қиёфа касб этди. Бу давр улкан бунёдкорликлар, янгиланиш ва яратиш даври бўлди.

Бугун бизнинг маҳалламизга келган киши ўзини шаҳардагидек ҳис қилади. Муҳташам бинолар, замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, равон йўллар, обод кўчалар кишининг ҳавасу ҳайратини уйғотади.

Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида маҳалламизнинг янги биноси фойдаланишга топширилган эди. Бу йилги истиқлол айёми арафасида тадбиркорлар ғайрати билан барпо этилган бозорча маҳалладошларимизга муносиб байрам совғаси бўлди.

Маҳалламизда намунавий лойиҳа асосида барпо этилган гузардаги сифатли ва арзон маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар фаолиятидан маҳалла аҳли мамнун. Шунингдек, «PayNET», сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва бичиш-тикиш цехи аҳоли хизматида. Шинам чойхона эса маҳалла нуронийларининг севимли масканига айланган. Гузарда 25 нафар маҳалладошимиз иш билан таъминланди.

Ўтган йили ҳудудимизда намунавий лойиҳа асосидаги 25 та уй фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳудудимиз қиёфасига монанд тарзда маҳалла аҳли ҳам яхши яшашга, турмуш тарзини юксалтиришга интилаётир.

Шундай озод ва обод юртда камтарона меҳнатим қадр топиб, давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ кўрилганим мен учун буюк шарафдир.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## Сариштали хонадондан файз-барака аримайди

**Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри Мустақиллик байрами муносабати билан ўзгача тароват касб этди. Йўллар, жамоат жойлари, хиёбонлар, қадимий обидалар пештоқларини истиқлолни мадҳ этувчи шиорлар безаб турибди.**



**Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Шаҳарни озода ва обод сақлаш бугунги кунда самарқандликларнинг кундалик юмушига айланган. Бунда, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўрнатилган жамоатчилик назорати қўл келаётир.

— Ҳар йили анъанавий тарзда Мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган ободонлаштириш ва тозалик тадбирлари доирасида ҳудудлар саранжом-саришта қилинади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими масъул котиби Абдусами Қўзибоев. — Бу саъй-ҳаракатларни йил бўйи давом эттириш мақсадида фуқаролар йиғинлари томонидан ўрнатилган жамоатчилик назорати туфайли шаҳар доимо озода. Бундан ташқари, тозалик ишлари бир кунлик иш ёки бир кишининг юмуши эмас. Шу боис маҳаллалар фаоллари аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ободликни тарғиб қилувчи тадбирлар ташкил этмоқда. Байрам арафасида уюштирилган «Озодалик — қут-барака гарови», «Сариштали хонадондан файз-барака аримайди» мавзуларида учрашувлар уюштирилди. Бунинг натижасида фуқаролар йиғинларида ободонлаштириш ишлари кенг қулоч ёйди.

> [2]

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

## Эзгу амал саъй-ҳаракат мезонига айланган

**Бундан уч йил бурун маҳалламиз идорасига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган Юсуф Ўроқов бугун ҳудуддаги йирик тадбиркорлардан. У раҳбарлик қилаётган «Сарвар — Сардор» балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида айни пайтда 12 нафар ёш фойдали меҳнат билан банд.**

**Гулнора ШАМСИЕВА, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Шунингдек, йиғинимиз аҳолисини шифо ва озуқа манбаи — асал билан таъминлаб, ҳам ўзининг, ҳам маҳалладошларининг рўзғорига наф етказаётган тадбиркор Ҳошим Исроиловни бугун нафақат туманимиз, балки вилоятда ҳам яхши билишади. У парваришлаётган 20 та болари оиласидан олинаётган соф асал оилалар дастурхонига қут-барака олиб кирмоқда.




Бундай мисолларни аввал бировга айтсангиз, ишонмасди. Бугун эса бу оддий ҳолга айланган. Йиғинимиз фаолларининг қўллаб-қувватлаши, энг муҳими, юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар маҳалладошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларини тўла намоён этишларида қўл келяпти.

Юрт равнақи, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлидаги хайрли ишларда маҳалламиз фаоллари, айниқса, йиғин қошидаги Тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор.

> [3]

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ»

## Иқтидорли ёшлар эътибор ва рағбатда



**Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги «Тегирмон боши» маҳалла фуқаролар йиғинида жисмонан соғлом, мустақил фикрли, интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялашда ўзига хос тажриба тўпланган. Йиғин фаолларининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирларни ташкиллаштираётгани кутилган натижани бераётир.**

**Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Жумладан, Мустақиллик байрами муносабати билан маҳалла ёшлари иштирокида «Мустақиллик оқшомлари», «Ёшлар куни» мавзуларида маданий тадбирлар уюштирилиб, «Энг яхши китобхон», «Ораста қизлар давраси», «Ёш гимнастикачилар» кўрик-танловлари юқори савияда ўтказилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун туман маданият ва истироҳат боғига саёҳат ташкиллаштирилди, уларга эсдалик совғалари улашилди.

> [4]

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

# Кенгаш кўмаги фаолиятда қўл келади



< [1]

Банд бўлмаган аҳоли ва ёшларни меҳнатга жалб қилиш бўйича маҳаллалар ҳудудида 854 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ташкил этиш, уларда мингдан зиёд янги иш ўринларини яратишга кўмаклашилди. Натижада 1,2 минг нафардан ортиқ хотин-қиз ва 600 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Маҳалла фаолларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббусларига жавобан 33 та ёш оиланинг никоҳ ҳамда 13 нафар кам таъминланган оила фарзандининг суннат тўйи ўтказилди.

Бухоро шаҳрида эҳтиёжманд оилалар учун 64 хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллалардаги кам таъминланган оила фарзандларининг 46 нафари ёзги оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

— Кенгаш Низомида фуқаролар йиғинлари органлари фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижро этилиши мониторингини олиб бориш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш белгиланган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси, ҳудудий Кенгаш раиси ўринбосари Маҳмуд Тоиров. — Ушбу мақсадда ўтган даврда Кенгашнинг махсус ишчи гуруҳи томонидан маҳаллаларда ижро интизоми, иш ҳужжатларини юритиш бўйича ўрганишлар олиб борилди. Мазкур йўналишда камчиликларга йўл қўйган фуқаролар йиғинлари ходимларига тегишли услубий тавсиялар берилди. Бундан ташқари, ушбу жараённи янада такомиллаштириш мақсадида Кенгаш аъзолари саъй-ҳаракати билан ҳар бир туманда намунали маҳаллалар шакллантирилди, уларда амалий семинарлар ташкил этилди.

Дарвоқе, яқинда Кенгаш томонидан маҳалла фаолларининг амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ваколат ва вазифалари савол-жавоб шаклида тартиб берилиб, китоб ҳолида чоп этилди.

— Маҳалла фаолиятига оид кўпгина қўлланма ва нашрлар расмий услубда бўлгани сабабли ходимлар уларни тўлиқ ўзлаштириб олишда бироз қийналар эди, — деди суҳбатни давом эттириб М.Тоиров. — Шу боис ушбу қўлланмада кундалик иш жараёнида дуч келинадиган вазиятлар, маҳалла фаолларининг низомий вазифалари савол-жавоблар шаклида тақдим этилди. Бу эса маҳалла институтида фаолият юритувчи мутахассисларнинг касбий билим ва кўникмаларини оширишда самарали манба бўлиб хизмат қилади.

Кенгаш ташаббуси билан «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» ҳамда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловларининг республика босқичлари ғолиблари — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Дўрман» маҳалласи маслаҳатчиси Саломат Комилованинг ҳамда Ғиждувон туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида тўпланган иш тажрибалар оммалаштирилмоқда.

**ФАОЛЛАР ЎҚУВИ**

# Касбий билим ва маҳорат мактаби

< [1]



Машғулотларда Низомий номидаги давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари, адлия, иқтисодиёт, молия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ички ишлар бошқармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Маънавият тарғибот маркази ва «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг тажрибали мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этмоқда.

— Курснинг иккинчи чорагида 200 та фуқаролар йиғинининг 800 нафар фаоллари малака оширади, — дейди Тошкент вилояти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари методик бўлими раҳбари Матлуба Мамадалиева. — Машғулотлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ҳафта охирида ўқитувчиларнинг маҳорати ва малакаси юзасидан тингловчиларнинг муносабати ўрганилмоқда. Ўқитувчилар олдига ўз устида кўпроқ ишлаш, маърузаларни бойитиб бориш вазифасини қўйдик. Шунингдек, тингловчиларга ўзларини қизиқтирган мавзу ва масалалар бўйича таклиф киритиш имконияти яратилди.

Фаолларга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, соҳага доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, йиғинлар ҳузуридаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш каби долзарб масалалар бўйича маърузалар тақдим этилди.

— Семинарларни интерфаол усулларда олиб боришга ҳаракат қиламан, — дейди профессор Манзура Ҳамдамова. — Маҳалла раислари гуруҳида жамоа билан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар гуруҳида эса индивидуал ишлаш кўпроқ самара бермоқда. Бу усуллар ёрдамида фаоллар ўқув мобайнида илғор тажрибаларини ўртоқлашиш баробарида, эркин мулоқот тарзида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштиришмоқда.

Ўқувларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тингловчиларга чуқур тушунтириб берилмоқда. Шунингдек, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш, жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик бўйича ҳам зарур тушунча ва тавсиялар берилмоқда.

— Курсларда ўзимизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб оляпмиз, — дейди Зангиота тумани «Ибрат» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Карима Бегматова. — Аҳоли билан ишлашда эгаллаган билимларимизни тўғри йўналтиришга ҳаракат қиламиз. Машғулотлар ҳаётий мисол ва далиллар асосида ўтказилаётгани билан эътиборга молик.

Ўқув курслари якунида ҳар бир тингловчига алоҳида мавзулар берилади. Хусусан, масъул котибларга «Маҳаллада ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар тарихи», «Маҳаллада ёшлар тарбияси, ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар бузилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар», «Маҳаллада психологик мулоқот маданияти ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлар» каби мавзулар тарқатилади. Мавзуларни атрофлича ёритиб, унга мустақил муносабатини билдирган тингловчилар рағбатлантирилади.

**МАҲАЛЛА КЎЗГУСИДА**

# Тарих билан юзма-юз

**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Мустақиллик байрами арафасида Сариосиё ва Узун туманларидан кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзанди Самарқанд шаҳрига саёҳатга юборилди.**

**Нигина ШОЕВА**
**«Mahalla»**

Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Термиз шаҳар, Денов, Шўрчи, Олтинсой туманлари бўлинмалари кўмагида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари вилоятдаги Далварзинтепа, Фаёзтепа, Кампиртепа, Болаликтепа, Кичиктепа, Сополлитепа, Аёзтепа каби қадимий ёдгорликларни томоша қилишди, ат-Термизий, Султон Саодат, Оқ Остона бобо, Сўфи Оллоҳёр зиёратгоҳларида бўлишди.

— Саёҳату зиёратлар ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига ҳурмат туйғусини шакллантиради, — дейди Фонднинг Олтинсой тумани бўлинмаси раиси Юсуфжон Ҳакимов. — Фарзандларимиз буюк мутафаккирларнинг маънавий мероси, уларнинг юрт равнақи йўлида амалга оширган ишлари, жасоратлари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишди.

— Регистон майдонига саёҳат менда катта таассурот қолдирди, — дейди Асрор Ҳусанов. — Тенгқурларим билан дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган аллома боболарнинг маънавий мероси хусусида фикр алмашдик, Самарқанднинг тарихий обидаларини томоша қилиш баробарида, бу ёдгорликларнинг бугунги кундаги аҳамияти, ўрни борасида тушунчага эга бўлдик.

# Шукуҳли байрам файзи

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан жойларда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда юрт ободлиги, Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилаётган фидойилар муносиб рағбатлантириляпти.**

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Фарғонада уюштирилган ана шундай тадбирларда маҳалла тизимида самарали фаолият юритаётган бир гуруҳ ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими томонидан Риштон, Бағдод, Бувайда, Учкўприк ва Тошлоқ туманлари бўлинмаларига «Spark» русумли автомашиналар топширилди. Шунингдек, фуқаролар йиғинларига уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида компьютер жамланмалари тарқатилди.

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН**

# Ҳар қалбда меҳр ва мурувват зоҳир

**Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоялаш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир. Шу боис мамлакатимизда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар ҳамда ёлғиз қарияларга инсонпарварлик, меҳр-мурувват ёрдамларини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир.**



**Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА**
**«Mahalla»**

Эзгу ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Фонднинг Хоразм вилояти бўлими томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляпти.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори нафақалар тайинлашда адолат нуқтаи назаридан ёндашиш, боқимандалик иллатига барҳам бериш, шунингдек, давлат маблағлари ҳисобидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни аниқ манзилли ва мақсадли бўлишини таъминлашда қўл келаётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Олтибой Ражабов. — Фаоллар кўмагида кам таъминланган оилалар аҳволини ўрганиб, ҳар икки ҳафтада уларга мурувват ёрдамлари кўрсатиб келиняпти. Ўтган ойда ҳомийлар томонидан учта кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Жорий йил Фонд бўлим ва бўлинмалари томонидан 171 нафар фуқарога 71 миллион 125 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган, боқувчисини йўқотган талабанинг шартнома пули тўланди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг 56 нафар фарзандига 19 миллион 76 минг сўм ва 3 нафар якка ёлғиз қарияга 450 минг сўм моддий ёрдам ажратилди.

Булардан ташқари, Фонд ва маҳалла фаоллари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш мақсадида жойларда бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# Ҳамжиҳатликда гап кўп

**Истиқлол шодиёналари давом этаётган айни кунларда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Наврўз» маҳалласида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Марям АҲМЕДОВА.**

Жумладан, Амир Темур кўчасида автоуловлар сақлаш учун махсус жой қурилиб фойдаланишга топширилди, маҳалла тадбиркорлари ҳомийлигида болалар майдончаси бунёд этилди.

Янги ишга туширилган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига 30 нафардан зиёд киши ишга жойлашди.

Шунингдек, байрам кунларида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Хусусан, маҳалладаги 9 та эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, ёлғиз кексаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Ҳа, наврўзликлар ҳар бир ишни ҳамжиҳатликда амалга оширади. Шу боис бугун маҳалла обод, аҳоли турмуши фаровон.

# Узукка қўйилган кўздек ярашган

**Ғиждувон туманидаги Сармижон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида сервис ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси шаҳарлардагидан қолишмайди. Ҳудудда қирққа яқин ишлаб чиқариш субъекти, юздан зиёд маиший хизмат шохобчаси фаолият юритаётгани ҳам йиғин аҳлининг тадбиркорлик салоҳиятидан далолатдир.**

**Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Албатта, иқтисоди юксалган жойда ободончилик, бунёдкорлик ҳам шунга яраша бўлади. Бунга йиғин ҳудудида сўнгги йилларда бунёд этилаётган замонавий бинолар, боғу роғлар бир мисол. Айниқса, Гаждумак аҳоли пунктида қад рослаган намунавий тураржойлар ҳамда уларга уйғун тарзда қурилган маҳалла гузари ҳудуд қиёфасига узукка қўйилган кўздек ярашиб тушди.

Шукур Тўхтаев фермер хўжалиги ҳомийлиги ҳамда маҳалладошлар ҳашари билан бунёд этилган гузарда йиғин идораси учун алоҳида хоналар ажратилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан идора мебель жиҳозлари, компьютер жамланмаси, кўргазмали тарғибот воситалари ва адабиётлар билан таъминланди.

— Фуқаролар йиғин идорасига ҳар хил юмуш билан ташриф буюради, — дейди Сармижон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қодир Умаров. — Эндиликда идорамиз шинамлиги, ундаги шароит бу ерга келувчиларга ҳам яхши кайфият бағишлайди.

Миллий ва замонавийлик уйғунлашган мажмуада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун барча имконият муҳайё этилган. Тўй ва маросимлар учун қурилган «Оқгул» тўйхонаси ҳам гузар қиёфасига кўрк бериб турибди. Қувонарлиси, маҳалла ёшларидан ўндан ортиқ касб-ҳунар коллежи битирувчиси доимий иш билан банд.

Бундан ташқари, ҳудудда мини футбол ва волейбол майдончалари ташкил этилиб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан жиҳозлар, спорт анжомлари билан таъминланди.

Гузарда милиция таянч пункти учун ҳам алоҳида хоналар ажратилгани ҳудуддаги ёшлар ўртасида тартиббузарликларнинг олдини олиш ва тарғибот ишларида қўл келаётир.

**МАВСУМ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ**

# Ҳиммат карвонига камарбасталик

**Пахта йиғим-терими бошланишига саноқли кунлар қолди. Вилоятимиз далаларида мўл ҳосил етилмоқда. Мавсумни қисқа муддатда, тез ва сифатли якунлаш ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун ҳеч ким ҳиммат карвонидан четда турмаслиги керак.**



**Анорхон ЖАЛИЛОВА,**
**Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Чинобод» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси.**

Маҳалла фаоллари билан уйда ўтирган, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг рўйхатини шакллантирдик. Бу йил йиғинимиздан 500 нафар фуқаронинг пахта йиғим-теримида фаол қатнашиши кўзда тутилган.

Йиғинимиз фаоллари билан Шуҳратбек Кенжаевлар хонадонида бўлиб, уй бекаси Заҳрохон билан суҳбатлашдим. Бу йил ушбу хонадондан оила бошлиқлари, ўғил-қизлар ва овсинлар теримга чиқади. Ўтган йили ҳам улар мавсумда жонбозлик кўрсатиб, оиланинг ҳар бир аъзоси ўртача ҳар куни 150 килограммдан пахта терди. Маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан бу хонадонга 500 килограмм кўмир ва суюлтирилган газ баллонлари мукофот тариқасида берилди. Дарвоқе, ўтган йили мавсумда ғайрат кўрсатган яна 20 та хонадонга кўмир, 10 тасига газ баллонлари улашилди.

Бундан ташқари, мавсумда фаол иштирок этганларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими ҳамда Балиқчи тумани бўлинмаси томонидан совғалар тарқатилди. Кўчма дўконлар орқали санитария-гигиена воситалари, полиз маҳсулотлари таъминоти йўлга қўйилди. Ўтган мавсумда 250 нафар фуқаро пахта теримига чиққан бўлса, бу йил теримчилар сони икки бараварга кўпайди.

Бир ой давомида йиғинимиз аҳли 70 тонна пахта териб беришни мўлжаллаган.

Бугун йигитларимиз, онахон ва опахонлар, қизу келинларимиз бир тану бир жон бўлиб пахта теримига киришадиган фурсат келди. Фаоллар, отинойилар, кўча бошлиқлари, профилактика инспекторлари маҳалла аҳлини бирлаштириб, пахта далаларига бошлаётирлар.

Ҳа, азалдан меҳнатсевар халқмиз. Шижоатимиз, ватанпарварлигимиз йиғим-терим мавсумида қандай иштирок этганимизда намоён бўлади.

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ**

# Сариштали хонадондан файз-барака аримайди

< [1]

Шаҳардаги барча маҳаллалар ҳудудида белгиланган талаб ва меъёрлар асосида чиқиндихоналар ташкил этилди. «Мароқанд», «Саид» ҳамда Мирсаид Барака номидаги маҳаллаларда бу ишлар намунали йўлга қўйилган. Айниқса, ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида тураржойлар атрофи тозаланиб, маҳаллалар кўркига кўрк қўшилди.

Ҳовли ва уйлар атрофини озода сақлаш, санитария ҳолатини яхшилашда ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Маҳалла фаолларининг йўл-йўриқлари билан улар ўзлари таълим олаётган мактаб, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари атрофини гулзорларга айлантиришди.

«Мароқанд» маҳалласи аҳли бир-бирига елкадош, камарбаста. Йиғин раиси Баҳриддин Тўхлиевнинг таъкидлашича, бир ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда жамоатчилик назорати тизимли йўлга қўйилгани боис одамларнинг турмуши кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган 47-умумтаълим мактаби ва Самарқанд давлат чет тиллари институти қошидаги академик лицей мутасаддилари билан ҳамкорликда атроф-муҳитнинг экологик ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича бир қанча тадбир амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, жамоа билан ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Mahalla
ЧОРШАНБА
2014 йил 10 сентябрь,
№76 (1043)



СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# Эзгу амал саъй-ҳаракат мезонига айланган

< [1]

Маҳалла фидойиларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳудудимиздаги 50 та кам таъминланган оила сони бугунги кунга келиб 5 тани ташкил қилмоқда. Жорий йил охиригача булардан яна 3 таси банк кредити эвазига ўз бизнесларини йўлга қўйиб олади.

Қолаверса, аёлларнинг, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда, бандлигини таъминлаш ҳам доимий эътиборимизда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Қоровулбозор» нефтни қайта ишлаш заводи буюртмаси асосида махсус иш кийимлари ҳамда қўлқоплар тайёрлаб бераётган бевкентлик хотин-қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

Жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирган 47 нафар ёш айни пайтда фойдали меҳнат билан банд. Улардан уч нафари банкнинг туман филиалларидан ажратилган имтиёзли кредит эвазига ўз бизнесларини йўлга қўйди. Жумладан, икки нафар қўлигул чевар тикувчилик билан шуғулланиб, тенгқурлари бандлигини таъминлаган бўлса, яна бир битирувчи чорвачиликни ривожлантириш йўлида изланмоқда.

Момомерос анъаналар бардавомлигини таъминлашни мақсад қилган Истатой Райҳонова қўл остида 15 нафар қиз тикувчилик, тўқувчилик сир-асрорларини ўрганмоқда.

Никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг тизимли йўлга қўйилгани ҳамда тўй-маросимлар, оилавий тантаналарни ихчам ўтказиш бўйича тўпланган тажрибаларимиздан қўшни «Айритом» ҳамда «Қумоқ» маҳаллалари андоза олмоқда. Биз ҳам кези келганда тумандаги 75 та фуқаролар йиғинидан ўзимизга керакли тажрибаларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Зотан, тараққиёт доимий изланишни талаб этади.

Йиғинимиз қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолияти яхши йўлга қўйилгани туфайли жорий йилда ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритдик. Эл фаровонлиги, юрт равнақи йўлидаги эзгу ишлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслигига нуфузли танловда қатнашиб яна бир бор амин бўлдим.

Ҳа, бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қандай нуфуз ва салоҳиятга эришаётган бўлса, буларнинг барчаси, энг аввало, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик туфайлидир. Бизнинг бош мақсадимиз ҳам ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, осойишталикни сақлашдир. Зеро, эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракат киши умрига мазмун бағишлаб, ҳаётдан мамнун бўлиб яшашга чорлайди.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# Тузилма ишончни оқлаётир

**Бугунги кунда Наманган вилоятидаги 761 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 4200 нафардан зиёд посбонлардан иборат «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолият кўрсатиб келмоқда.**



**Илҳом РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаши, жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олиши, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши белгилаб қўйилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими раиси ўринбосари Шуҳратжон Кенжаев. — Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ иш олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, самарадорлигини оширишда ҳамкор ташкилотлар билан бажарилаётган амалий ишлар ўз натижасини бермоқда. Хусусан, яқинда фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлимида ўтказилган давра суҳбати ҳам «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирларига бағишланди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари, участка профилактика инспекторлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Суҳбатда ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлашилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида посбонлар ёрдамида вилоят бўйича 130 та жиноят очилди. Энг асосийси, тузилманинг мутасадди идоралар билан ҳамкорлиги натижасида 188 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Ҳозирга қадар тузилманинг 33 нафар аъзоси ички ишлар тизимига қабул қилингани уларга билдирилган ишончнинг ёрқин ифодасидир.

Тадбирда эришилаётган ютуқлар билан бирга, муаммолар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама қилиниб, яратилган шароитлар, тузилма аъзолигига қабул қилиш, ходимларни рағбатлантириш тизими ва бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

# Ҳуқуқий кўмак — тадбиркорлик ривожида муҳим омил

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи учун давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланилаётган жойда ишбилармонлар ҳам, ҳудуд аҳолиси ҳам наф кўраётир. Аҳолини тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этишда фуқаролар йиғинининг давлат солиқ инспекцияси билан ҳамкорлиги жуда муҳим.**



**Ашир ХОЛБЎТАЕВ,**
**Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби.**

Кейинги йилларда қишлоғимиз тадбиркорлари томонидан қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, янги иш ўринлари очилди. Бугуннинг муҳим жиҳати шундаки, тадбиркорлар энди озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш жиҳозлари, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқда.

Ҳудудимиз катта: 10 та қишлоқдаги 1 минг 585 хонадонда 11 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётир. Сангзор дарёси ва Туятортор каналининг ўзани бўйлаб жойлашган қишлоқларимиз ери суғорма деҳқончилик, айниқса, боғдорчилик, узумчилик ва мева-сабзавотчилик учун қулай. Ана шу қулайликдан самарали фойдаланаётганлар нафақат оиласи, балки эл фаровонлигига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, йиғинимизда 2011-2013 йилларда 6 та маиший хизмат, 8 та савдо шохобчаси, 4 та тикув цехи ташкил этилди, 30 та оилага касаначилик билан шуғулланиш имконияти яратиб берилди. Натижада 107 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Ўтган йили қишлоқ тадбиркори Зокир Дўсаев «Омад-С» хусусий корхонасини ишга тушириб, 15 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисини ишли қилди. Помидорни қайта ишлашга мўлжалланган бу корхона, аввало, аҳолига етиштирган маҳсулотларини сотишда катта қулайлик яратди.

Бундан ташқари, қишлоғимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган иккита корхона фаолият юритаётир. Уларда 40 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Ана шундай йирик корхоналарни барпо этиш ва ҳудудда ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан. Мазкур ишларни амалга оширишда туман солиқ инспекцияси, хусусан, инспекциянинг ҳудудимизга бириктирилган назоратчиси Отаулла Саъдуллаев билан доимий ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Тадбиркорлар билан маслаҳатлашув тарзидаги учрашувларда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уларда тадбиркорлар учун белгиланган солиқ имтиёзлари тўғрисида тушунчалар берилмоқда.

Айниқса, Президентимиз томонидан қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар тадбиркорларимиз сафини кенгайтириб, уларнинг фаолиятида, айниқса, солиқларни тўлашда қулай шарт-шароит ва имкониятлар туғдирмоқда.

Бундан ўн-ўн беш йил олдин фуқаролар йиғинининг туман солиқ инспекцияси билан ҳамкорлиги солиқ тўловларини ундиришдан иборат эди. Шунинг учун фуқаролар йиғини фаолларининг солиқ назоратчиси билан биргаликдаги ташрифини корхона-ташкилотлар, тадбиркорлар шундай қарши оларди. Эндиликда бу ҳамкорлик йўналишлари кенгайиб, ёшларни, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига жалб этишда, уй меҳнатининг барча турларини ташкил этишда асқотмоқда. Чунки уйда фарзанд тарбияси билан машғул аёлга ўзи тўқиган буюмини сотиб, рўзғорига қўшимча даромад келтириш учун маслаҳат берилса, у солиқ тўғрисидаги: «солиқ тўлаш қийин бўлмайдими», деган хавотирга боради. Шундай пайтда солиқ назоратчисининг иштироки масалага ойдинлик киритади.

Қишлоғимизда меҳнатга яроқли аҳоли таркибида ёш мутахассислар салмоғи ортиб бораётгани солиқ масаласида аниқ ахборот беришни янада жонлантирмоқда. Солиқ идораси билан ҳамкорликда меҳнат ресурслари таркибидаги бу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Йилнинг ўтган даврида солиқ инспектори билан биргаликда ҳудудимиздаги қишлоқ хўжалиги коллежи ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил қилиб, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган ёшларга кредит олиш, давлат рўйхатидан ўтишнинг тартиб-қоидалари ҳамда солиқ тўловлари ва имтиёзлари бўйича йўл-йўриқ кўрсатдик. Туман солиқ инспекцияси кўмагида семинар-тренинглар ташкил этдик. Айни пайтда 8 нафар битирувчи бизнес лойиҳасини амалга ошириш арафасида. Жумладан, Алижон Бойзоқов, Баҳодир Қўчқоров, Нодир Лапасов банк кредити эвазига чорвачилик, Бибиҳожар Норқулова эса паррандачиликни ривожлантиришни мақсад қилган.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ



# Маҳаллийлаштириш дастури: талаб ва таклифлар тараққиётга етаклайди

< [1]

— Бугун қишлоқларимизда фаолият юритаётган корхоналарда асосан автомобиллар, қурилиш ҳамда энергетика саноати учун бутловчи қисмлар тайёрланмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Икромиддин Валиев. — Бу борада Андижон, Шаҳрихон, Избоскан, Хўжаобод, Жалақудуқ туманларида замонавий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани эътиборга молик. Айниқса, жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган бундай маҳсулотлар кечагина касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларимизнинг қобилияти, меҳнати самараси эканини қалбимизда ифтихор туйғусини уйғотади.

Жумладан, Андижон туманидаги «Водий энергомаш механика» масъулияти чекланган жамиятида «УзТонгХонг-Ко» қўшма корхонаси учун автомобиль ўриндиқларининг сим деталлари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур мажмуанинг ойлик сармоя айланмаси 100 миллион сўмдан ортади. Йил охирига қадар маҳаллийлаштириш дастурига биноан Хитойдан янгича дастгоҳлар олиб келиниб, ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Ҳозир бу ерда 40 нафардан зиёд киши иш билан банд. Яқинда корхона яна 5 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисини меҳнатга жалб қилди.

Қўрғонтепа туманидаги Қўрғонтепа қишлоқ фуқаролар йиғинида иш бошлаган «Универсал люкс» масъулияти чекланган жамияти ҳам «Асака» автомобиль заводи, «УзКорам», «УзТонгХонг-Ко» каби қўшма корхоналар учун 23 турдаги бутловчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаряпти. Жамоа йил охирига қадар автомобилларнинг ўриндиқ ва эшиклари учун зарур жиҳозлар тайёрлашни мақсад қилган. Мазкур режа амалга ошса, талайгина қўрғонтепалик ёшлар ишли бўлади.

Андижон вилоятида 2014 йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида 977 та тураржойлар қурилиши кўзда тутилган. Келаси йили бу рақам янада ортиши кутилмоқда. Қурилиш бор жойда михга эҳтиёж туғилади. Андижон шаҳридаги «Мустаҳкам қурилиш ашё» корхонаси ана шу масъулиятни ўз зиммасига олган. Бугунги кунда унинг маҳсулотига водий вилоятларидан ҳам харидорлар бисёр. Яқинда бу корхона модернизация қилиниб, яна 15 та иш ўрни яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида ташкил топган «Ҳожиакбар мукаммал савдо» масъулияти чекланган жамияти вилоятда биринчилар қаторида импорт ўрнини босувчи лок-бўёқлар ишлаб чиқаришга киришган эди. Маҳсулотнинг сифати юқори, нархи арзонлиги мижозларда қизиқиш уйғотди. Айни кунда бу ерда 7 хил рангдаги бўёқ тайёрланаётир.

Аҳоли бандлиги — фаровонликнинг муҳим омили. Бунга жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаётир. Уларнинг тадбиркорлар билан доимий ҳамкорлиги натижасида йилнинг ўтган даври мобайнида 1,5 минг аҳоли иш билан таъминланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича таклифлар тобора ортиб бораётгани қувонарли, албатта. Бугунга қадар вилоятнинг шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган корхоналар томонидан 223 та лойиҳа тақдим этилди. Булар орасидан қора ва рангли металларни қайта ишлаш, пўлат ва чўяндан қуйма эҳтиёт қисмлари тайёрлаш, автомобиллар учун шовқин қайтарувчи мосламалар ишлаб чиқариш кабилар ўрин олган.

ҚУЛАЙЛИК

# «Мўъжизалар макони»да маҳсулотлар харидоргир

**Яқинда Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги «Қўралос» маҳалласи ҳудудида фаолият бошлаган «Мўъжизалар макони» масъулияти чекланган жамияти қисқа фурсатда харидорлар эътиборини қозонди.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Мебель ва ғишт цехи, қолаверса, озиқ-овқат, қурилиш ва хўжалик моллари ҳамда кийим-кечак дўконларини жамлаган мазкур мажмуа туман аҳолиси учун қулайлик туғдирмоқда.

— Мазкур мажмуани туман ҳокимлигининг кўмаги, йиғин фаолларининг қўллаб-қувватлаши натижасида ишга туширдик, — дейди жамият раҳбари Беҳзод Биноев. — Айни пайтда бу ерда маҳалламизнинг 70 нафарга яқин аҳолиси меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар.

Тадбиркорнинг айтишича, корхона 10 дан зиёд ҳамкор ташкилотлар билан шартнома асосида ишлаяпти. Келгусида у ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини янада ривожлантиришни режалаштирган.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# Заҳри қотил фикрни ҳам заҳарлайди

**— Эй, шуям кайф бўптими, меникига юринглар, кайф қанақа бўлишини кўрасизлар.**

**Фарҳод шу сўзларни айтаркан, бир жойда туролмай гандираклаб қадам босар, атрофидагиларга нимадир демоқчи бўлиб ғўлдирарди.**

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

— Фарҳодбой ҳар куни ҳам эрийвермайди, уйига чақираяптими, демак, бориш керак, бориш шарт, — дея Омон шаҳд билан ўрнидан турди.

Хуллас, маошдан «беш-беш» ташлаб, уч шишани бўшатган «уч оғайни ботирлар» катта ишга шайлангандек шитоб билан йўлга тушишди. Фарҳоднинг ижара уйига келишгач, мезбон ғалати тиржайганча ваннахонага кириб кетди. У папиросига жойланган «дори»ларини шу ерда, шолча тагида сақлар, ҳар оқшом биттасини тутатиб, ўзича ҳузурланарди.

Омон билан Шариф гиёҳвандликдан ҳазар қилишар, баъзан ўзаро суҳбатларида ичкиликбозликка берилса ҳам бу зормандадан узоқроқ юриш лозимлигини таъкидлашарди. Бироқ бугун улар нафсларини жиловлашолмади. Фарҳод эса шошиб қолган улфатларининг устидан кулгандек тиржайиб, қўлидаги «матоҳи»ни кўз-кўз қиларди. Ниҳоят, папиросни тутатиб, тутунини навбат билан ичга тортишди. Заҳри қотилни биринчи марта, боз устига маст ҳолда истеъмол қилишгани учун Омон ва Шариф зум ўтмай ўзларини йўқотиб қўйишди. Улар дам кулар, дам рақсга тушишар — телбага ўхшашарди.

Маишатбозлик анча давом этди. Бу орада Омон чўзилиб, уйқуга кетди. Шариф билан Фарҳод қанча уринишмасин уни ўрнидан турғизолмади. Охири бўралатиб сўкинганча иккаласи «байрам»ни кўчада давом эттириш илинжида уйдан чиқишди. Вақт алламаҳал бўлган, кўча жим-жит, қаҳвахоналар ҳам аллақачон ёпилганди.

— Ҳечқиси йўқ, ётоқхонадаги ҳамхонам қаҳвахонада ишлайди. Ҳозир унга телефон қиламан, «шефи»га айтса, кафени очади, — ғудранди Шариф.

— Қўйсанг-чи, ҳамхонанг борйўғи официант бўлса, унинг айтгани билан хўжайин уйқусидан уйғониб келиб, қаҳвахонани очармиди, — деди унга жавобан Фарҳод.

Аммо Шариф бу гапга қулоқ ҳам солиб ўтирмади. Қўнғироқ қилиб, ҳамхонаси Носирга тезда ўзлари турган жойга етиб келишини айтмоқчи бўлди. Қайта-қайта гудок жўнатса-да, Носир гўшакни кўтармади. Бу Шарифнинг иззат-нафсига тегди:

— Сен тирранча ҳали менинг қўнғироғимга жавоб бермайдиган бўлиб қолдингми? Ҳозир бориб адабингни бермасамми, мишиқи! — дея ўдағайлади у ўзича.

Хонага кирган Шариф аввал идиш-товоқлар турадиган жойдан пичоқни олиб, ҳамхонаси ухлаётган каравот тепасига келди. Бошига тушган зарбадан уйғониб кетган Носир дафъатан шошиб қолди. У гап нимадалигини англаб, ўзини қўлга олишга улгурмаёқ кетма-кет зарбалар таъсиридан ҳушидан кетиб йиқилди. Спиртли ичимлик ҳамда гиёҳванд модда таъсирида ваҳшийга айланган Шариф пайтдан фойдаланиб, қўлидаги ошхона пичоғини унинг кўксига қайта-қайта урди...

22 ёшида гиёҳванд модда таъсирида қотилликка қўл урган Шариф нафақат бир йигитнинг гулдек умрига, балки ўзининг келажагига ҳам зомин бўлди. Жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди томонидан унга узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинланди.

Дарҳақиқат, жиноятга жазо муқаррар. Бироқ бу билан фарёди еру кўкни тутган онаизорнинг кўнглини юмшатиб бўлармиди? Ахир, Носирни ҳам ота, ҳам она ўрнида якка ўзи вояга етказганди, ўқитганди. Касб-ҳунар коллежини эндигина тугатиб, иш бошлаган ўғлидан онанинг умидлари катта эди...

Ҳа, инсоннинг қаршисида йўллар кўп. Қайси биридан юриш эса унинг ўзига боғлиқ. Фақат бугунини ўйлаб, била туриб кайфу сафо ортидан қувган Шарифнинг танлаган йўли уни панжара ортига етаклади.

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

# «Ўзбекистон — муқаддас Ватан»

**Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Мустақиллик байрами шодиёналари давом этмоқда.**

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»**

Нукус шаҳридаги «Турон» стадионида «Ўзбекистон — муқаддас Ватан!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Бу анжумандан кўзланган мақсад ёшларни «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан асраш, шунингдек, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан шаҳдам одимлаётган мамлакатимизда ёшларга эътибор янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг натижасида фарзандларимиз илму фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларга қаратилаётган эътибор дунё аҳлининг ҳавасини келтираётганини алоҳида таъкидладилар. Халқимиз ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишлари фестивалга байрамона руҳ бағишлади.




## Кўчки ва тошқин оқибатида

**Ҳиндистон шимоли ва Покистонда 300 нафарга яқин одам кўчки ва кучли тошқин қурбонига айланди.**



«Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, сўнгги беш кун давомида Кашмирнинг Ҳиндистон томонида камида 120 нафар киши ҳалок бўлган. Шу вақт оралиғида қўшни Покистонда 160 нафардан зиёд одам нобуд бўлган.

Ҳиндистонда камида 450 та қишлоқ сув остида қолган, табиий офатдан икки минг чоғли аҳоли жабрланган. Покистонда эса тўрт мингдан зиёд уй вайрон бўлган, минглаб одам бошпанасиз қолган.

Ҳар иккала мамлакатда қутқарувчилар вертолёт ва қайиқлар ёрдамида тошқин туфайли уйида қамалиб қолган ўн минглаб одамни қутқаришга киришган.

## Илк виртуал валюта

**Эквадор дунёда биринчи бўлиб виртуал валютани жорий этишни режалаштирмоқда.**



«Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, мамлакат марказий банки жорий йилнинг декабрида электрон валютани амалиётга киритади. 2000 йилдаги молиявий инқироздан сўнг мамлакат ўз пул бирлигидан воз кечиб, тўлиқ АҚШ доллари билан ҳисоб-китоб қилишга ўтганди. Виртуал валюта мазкур давлат учун ўз пулига қайтиш борасидаги илк қадам бўлиши мумкин.

Янги пул бирлигининг қандай номланиши ҳозирча маълум эмас. Эквадор марказий банкининг тасдиқлашича, янги бирлик «ишончли активлар» билан таъминланган, у талаб асосида чиқарилади. Дастлабки паллада доллар билан биргаликда ишлатилади.

## Энг оммабоп исм

**Муҳаммад Ослода эркакларнинг энг оммабоп исми, деб топилди.**



«The Local» газетасида ёзилишича, Норвегия тарихида илк бор ана шундай ҳолат кузатилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, шаҳарда яшовчи 4,8 минг нафар ёшнинг исми Муҳаммаддир. Иккинчи ўринни Ян (салкам 4,7 минг), учинчини эса Пер (4,1 минг киши) исмлари эгаллайди.

Охирги бир неча йил мобайнида Англия ва Уэльсда, шунингдек, Европанинг Амстердам, Гаага, Роттердам, Утрехт, Брюссель сингари шаҳарлари туғуруқхоналарида дунёга келаётган болакайларга охирги пайғамбарнинг исми берилмоқда.

Миланда эса бу исм нафақат чақалоқлар, балки тадбиркорлар ўртасида ҳам оммабоп. Шаҳар савдо палатасининг маълумотига кўра, миланлик 1,6 минг нафар бизнесменнинг исми айнан Муҳаммаддир.

**Интернет материаллари асосида Ризвоной НИЗОМОВА тайёрлади.**

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ»

# Иқтидорли ёшлар эътибор ва рағбатда



< [1]

— Ҳар қандай кўнгилсизликлар бекорчилик, назоратсизлик оқибатида келиб чиқади, — дейди йиғин раиси Мамаюнус Қориев. — Шу боис маҳалламизда истиқомат қилаётган 851 нафар вояга етмаган ёшнинг кундалик фаолият доираси, оилавий аҳволи, ўқув жараёнини назорат қилиб борамиз. Чунончи, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги йўналишида ўқув муассасаларида таълим-тарбиянинг сифат даражасини ўрганиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатганмиз. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга амалий кўмак бериб келяпмиз.

Йиғинимиз қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари туфайли болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик каби салбий ҳолатлар кузатилгани йўқ. Ҳудуддаги ҳар бир хонадоннинг ижтимоий, моддий аҳволи ўрганилиб, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатяпмиз. Жорий йилда вояга етмаган фарзандлари бор 5 та кам таъминланган оиланинг электр энергиясидан қарздорлиги тўлаб берилди.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида йиғин фаоллари, ҳудуддаги намунали оилалар аъзолари, кексалар ҳамда профилактика инспекторлари нотинч оилаларда бўлиб, тушунтириш ишлари олиб боришаётир. Қолаверса, йиғинда таййинланган жамоатчи тарбиячилар гуруҳи вояга етмаганларнинг тунги вақтларда кўнгилочар масканларда бўлишининг олдини олишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллада оммавий спорт тадбирларини уюштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Маҳалладаги 9-10 ёшли футболчилардан таркиб топган жамоа ёшлари «Футболимиз келажаги» республика турнирининг вилоят босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Йиғинда бундай ғайратли, шижоатли ёшлар бисёр.

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, бандлигини таъминлаш масаласи ҳам йиғин мутасаддилари диққатида. Фаоллар ҳунарманд-тадбиркорлар билан ҳамкорликда «Устоз-шогирд» анъанасини мустаҳкам йўлга қўйган. Хусусан, Шоҳиста Пўлатова тикувчилик, Алижон Усмонов чилангарлик бўйича маҳалла ёшларига ҳунар ўргатаётир.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейишади. Фарзанд тарбиясида катталар ёшларга ҳар жиҳатдан ибратдир. Уларнинг амаллари, насиҳатлари, йўл-йўриқлари ёш авлоднинг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етишида муҳим омилдир. Буни яхши англаган йиғин фаоллари «Энг намунали оила», «Энг ибратли хонадон» каби танловларни изчил ўтказиб келмоқда. Ҳудуддаги ҳар бир хонадон ушбу номга муносиб бўлишга ҳаракат қилади.

Уйида мўъжазгина кутубхона ташкил қилган Тўлқинжон Шерматовлар хонадони — ҳавас қилса арзигулик зиёлилар масканидир. Хонадонда каттаю кичик китобсевар. Улар яқинда «Энг яхши китобхон оила» танловининг туман босқичида ғолиб бўлишди. Эргашевлар оиласидан 7-синф ўқувчиси Зилола Эргашева эса «Энг яхши китобхон ўқувчи» танловида биринчи ўринни эгаллади.

Мухтасар қилиб айтганда, юксак маънавиятли авлод, аввало, оилада, маҳаллада вояга етади.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# Интилиш ва изланишда чегара йўқ

***Қарши туманидаги «Ниёзмудин» маҳалла фуқаролар йиғинида «Nasaf metal» масъулияти чекланган жамияти томонидан спорт анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

**Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»**

Корхона раҳбари Қаҳрамон Очилов атрофига ишбилармон ёшларни тўплаб, спорт маҳсулотлари тайёрлашга киришди.

— Қисқа муддатда маҳсулот турини 70 тадан оширдик, — дейди Қ.Очилов. — Уларнинг асосий қисми спорт анжомлари. Цехимизга хориждан зарур ускуналар келтириб ўрнатдик. Маҳсулотни тайёрлаш жараёнида асосий ишлар махсус дастгоҳларда бажарилади. Айни пайтда цехда 8 нафар йигит меҳнат билан банд.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш бўйича изланиш олиб бориляпти.

«Ниёзмудин» маҳалласидан ташқари «Ертепа», «Мирмирон», «Каманди» маҳаллаларидаги оилалар ҳам спорт анжомларига буюртма бермоқда. Шунингдек, ҳудудлардаги спорт майдончалари корхонанинг арзон ва сифатли маҳсулотлари билан таъминланяпти. Яқин кунларда корхона қошида тикувчилик цехи ишга тушади ва яна 5 нафар ёш иш билан таъминланади.





«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»

# Баркамол авлод — соғлом оилада вояга етади

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақаларининг шаҳар ҳамда вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Мусобақанинг Пскент тумани Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Болалар ва ўсмирлар» спорт мактабида уюштирилган Тошкент вилояти босқичи кўтаринки руҳда ўтди.**



**М. ЛАТИПОВА «Mahalla»**

— Мусобақаларнинг маҳаллалараро босқичида 991 та маҳалла фаол иштирок этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пскент тумани бўлинмаси етакчи мутахассиси Абдуманнон Аширқулов. — Шаҳар ва туман босқичида 168 та жамоа спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, бадиий гимнастика турлари бўйича беллашди. Ҳар бири тўрт нафар оила аъзосидан иборат 18 та жамоа эса спортга бўлган иштиёқи ва маҳоратини вилоят босқичида намойиш этди. Иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш учун маҳалладошлар жам бўлишди.

Мусобақа якунига кўра, Пскент тумани «Майлобод» маҳалласидан Абдуллаевлар оиласи 1-ўринни, Юқори Чирчиқ тумани «Ўзбекистон» маҳалласидан Эшовлар оиласи 2-ўринни, Зангиота тумани «Туробобод» маҳалласидан Усмоновлар оиласи 3-ўринни қўлга киритди. Ғолиб жамоа айни пайтда мусобақанинг республика босқичига ҳозирлик кўрмоқда.

Ғолиб ва иштирокчиларга Фонднинг туман бўлинмаси томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

МУСОБАҚА

# Майдонда баҳслар қизғин

**«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Денов тумани бўлинмаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси ва миллий кураш бўйича уч босқичли мусобақалар ўтказилди.**

**Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

Мусобақанинг ҳудудлараро босқичида Кенагас, Фарғона, Юрчи, Денов ҳамда Қизилжар қишлоқ фуқаролар йиғинлари ёшлари иштирок этди. «Оққўрғон» маҳалласи ва Денов енгил саноат касб-ҳунар коллежи спорт майдонларида ўтказилган футбол, волейбол, шахмат мусобақалари қизиқарли баҳсларга бой бўлди. Беллашув якунига кўра, **футбол** бўйича «Водий» маҳалласи жамоаси биринчи, «Оҳлар» маҳалласи жамоаси иккинчи, қизилжарликлар учинчи ўринни қўлга киритди.

«Лўпон» маҳалласи **волейбол** бўйича барчани ортда қолдириб, биринчиликка муносиб топилган бўлса, кейинги ўринлар «Янгиобод» ва «Қайтмас» маҳаллалари жамоаларига насиб этди.

Муросасиз кечган **кураш** мусобақасида 68 кг. вазн бўйича «Паст Қизилжар» маҳалласидан Бобур Турдиев, 75 кг. вазн бўйича «Водий» маҳалласидан Баҳрулло Собиров, 82 кг. вазн бўйича «Дўстлик» маҳалласидан Хуршидбек Сатторов ғолиб деб топилди.

**Шахмат** мусобақасида асосан маҳаллалардаги шахмат-шашка тўгараклари аъзолари беллашди. «Обод турмуш» маҳалласидан Воҳид Бойматов, «Озод» маҳалласидан Фазлиддин Муҳаммадиев ҳамда Муқимий номидаги маҳалладан Фарҳод Раҳимов юқори учталикдан ўрин олди.

Ғолиблар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Денов тумани бўлинмаси, «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ФЕСТИВАЛЬ

# Кучли, чаққон ва моҳирлар аниқланди

**Жиззах вилояти Мирзачўл туманида «Аёллар спорт фестивали» мусобақаси ўтказилди. Мусобақада аёллар спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш ва гимнастрада турлари бўйича куч синашди.**

**Фарида ҚУЛЖОНОВА, Мирзачўл туман ҳокимлиги бош мутахассиси.**

Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, туман аёлларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда ижтимоий шериклик асосида кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик қиламиз. Спорт фестивалининг намунали уюштирилишида, айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яқиндан кўмак берди. Бундай ҳамжиҳатлик боис ўтган йили туманда ташкил этилган спорт мусобақаларида 320 нафар аёл қатнашган бўлса, жорий йилда 420 нафар хотин-қизнинг иштироки таъминланди. Энг чекка қишлоқлардан ҳам спортсевар, эпчил, чаққон, соғлом хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётгани бизни қувонтиради.

Жумладан, фестивалда спортнинг шахмат тури бўйича 1-ўрин «Дўстлик» маҳалласидан Фарида Қурбоновага, 2-ўрин Тошкент қишлоғидан Тамара Қўзибоевага, 3-ўрин мирзадалалик Назифа Сартбаевага насиб этди. Стол теннисида ҳеч кимга ён бермаган чапдаст аёл — «Дўстлик» маҳалласи вакиласи Насиба Жайнақова 1-ўринни қўлга киритди. 2-ўринга «Ғалаба» маҳалласидан Бахтигул Сиданова, 3-ўринга «Ержар» маҳалласидан Нигора Маҳмудова сазовор бўлди.

Енгил атлетика — аёлларимизнинг энг севимли спорт тури. Чунки ушбу спорт тури тана аъзолари ҳаракатини таъминлайди, қоматни тик тутишга кўмаклашади. Шу боис туманимиз аёлларининг енгил атлетикага иштиёқи баланд. Кўпчилик қатнашган мазкур мусобақада 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган аёллар ўртасида Мадина Ўрозбоева биринчи, Айна Жўраева иккинчи, Маржон Йўлчиева учинчи ўринни забт этди. 35 ёш ва ундан катта ёшдагилар ўртасида ушбу мусобақа жуда қизиқарли, муросасиз кечди. 1-ўрин Ҳамида Абдуллаевага, 2-ўрин Саодат Қаршиевага, 3-ўрин Муҳаббат Акаевага насиб этди. «Аёллар спорт фестивали»да спортнинг дартс тури бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб жамоалар туман ва вилоят ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлиқ ва дипломлар ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Улар вилоят босқичида иштирок этиб, туманимиз шарафини ҳимоя қилади.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 20370 нусхада чоп этилди. Буюртма S-850 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00